

Агар сиз ушбу электрон хабарни очиб кўришда муаммоларга дуч келсангиз, [ушбу ҳаволага ўтинг](#)



## **Ахборотномамизнинг тўққизинчи сонига хуш келибсиз!**

[Европа Иттифоқининг](#) (ЕИ) [Халқаро Савдо Маркази](#) (ХТК) томонидан амалга оширилаётган [“Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнига кўмаклашиш”](#) лойиҳаси бўйича тўққизинчи ахборотномани эътиборингизга ҳавола қилишдан мамнунмиз. Лойиҳа Ўзбекистоннинг [Жаҳон Савдо Ташкилотига](#) (ЖСТ) аъзо бўлиш аризасини тайёрлашга ёрдам бериш, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида иштирок этишига кўмаклашиш, унинг иқтисодий фаолиятини модернизация қилиш учун ЖСТ аъзолigidан фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ахборотноманинг ушбу сонига асосий эътибор Ўзбекистонга 2022 йилнинг октябрь ва декабрь ойлари ўртасида кўрсатилган кўмакка берилган. Ўтказилган тадбирлар ЖСТга аъзо бўлишга доир ҳужжатларни янгилаш ва Ишчи Гуруҳнинг 2022 йилнинг 21-июнида бўлиб ўтган 5-Мажлиси (ИГМ) чоғида берилган саволларга жавобларни тайёрлаш билан боғлиқ кўмакни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатлар Ишчи Гуруҳнинг 2023 йилнинг биринчи чорагида бўлиб ўтиши режалаштирилган навбатдаги 6-Мажлиси давомида ЖСТ аъзолари билан муҳокама қилинади. Ноябрь ойида Тошкентга бир қанча тадбирларни ўз ичига олган миссия ҳам амалга оширилди. Савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) ва санитария ва фитосанитария (СФС) масалалари билан шуғулланадиган агентликлар ва лаборатория ходимлари билан учрашувлар муҳим воқеа бўлди. Ушбу масалалар бўйича жойларда ўтказилган тренинглар техник салоҳиятни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди. 55 нафар тадбиркор аёл қатнашган, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши

тўғрисидаги таклиф ва унга аъзо бўлишдан келиб чиқадиган имкониятлар тўғрисида хабардорликни ошириш бўйича ўтказилган тренинг яна бир муҳим воқеа бўлди.

Ушбу ахборотнома РУС ва ЎЗБЕК тилларида ҳам мавжуд.

Лойиҳамиз ҳақида батафсил маълумотни [инглиз](#), [рус](#) ва [ўзбек](#) тилларида веб-сайтларимиздан олишингиз мумкин.

Саволларингиз бўлса, биз билан қуйидаги сайт орқали боғланинг:  
[WTOAccessionUZB@intracen.org](mailto:WTOAccessionUZB@intracen.org)

Алоқада қолинг: #WTOAccessionUZB

Ўқиб, мамнун бўлинг!

Жамоамиздан ЭСЛАТМА:

(Инглиз тилида)

Kindly note that you have been included in the mailing list of our newsletter following your participation to one of our events. If you wish to unsubscribe, you can do so [here](#).

(Рус тилида)

Обращаем внимание, что вы были включены в список нашей новостной рассылки по итогам участия в одном из наших мероприятий. Если вы хотите отказаться от рассылки, пожалуйста, пройдите по этой ссылке.

(Ўзбек тилида)

Сиз ахборотнома почта рўйхатимизга тадбирларимизнинг бирида иштирок этганлигингиз сабабли киритилганлигингизни эслатиб ўтамиз. Ушбу обунани бекор қилмоқчи бўлсангиз, келтирилган хавола орқали уни рад қилишингиз мумкин.

## АМАЛГА ОШИРИШ: ИЛГАРИ СИЛЖИШ ВА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Лойиҳа бир қатор режалаштирилган мақсадларга эришишни назарда тутади:

|                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                  |
|-------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|    | The Uzbek government will be better equipped to <b>draft the documents and develop its negotiating positions as required by the WTO accession process</b>                                                                        |
|    | The executive and legislative branches will be better informed to <b>develop specific sectoral laws and regulations</b> as needed to comply with Uzbekistan's new international commitments                                      |
|    | The <b>policymakers' understanding of the WTO accession process</b> and its legal framework will be reinforced                                                                                                                   |
|   | Uzbekistan will have an increased <b>capacity to comply with WTO Rules, in particular with regards to the SPS/TBT &amp; Trade Facilitation Agreements of the WTO</b>                                                             |
|  | ITC's work will increase the <b>business sector's - including women's associations- awareness of the WTO accession process and benefits</b>                                                                                      |
|                                                                                     | Ўзбекистон ҳукумати <b>ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ЖСТга аъзо бўлиш жараёни талабларига мувофиқ ўзининг музокара позицияларини ишлаб чиқиш учун яхшироқ воситаларга эга бўлади</b>                                        |
|                                                                                     | Ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари Ўзбекистоннинг янги халқаро мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган <b>муайян тармоқ қонунлари ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича</b> яхшироқ хабардор бўладилар |
|                                                                                     | <b>Сиёсатчиларнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни</b> ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги <b>тушунчалари</b> мустаҳкамланади                                                                                                            |
|                                                                                     | Ўзбекистон <b>ЖСТ қоидаларига, хусусан, ЖСТнинг СФС/ТБТ ва Савдони осонлаштириш тартиб-тамоийллари тўғрисидаги шартномаларига</b> риоя қилиш учун кенгроқ <b>имкониятларга эга бўлади</b>                                        |
|                                                                                     | ХСМнинг фаолияти <b>тадбиркорлик сектори, шу жумладан аёллар уюшмаларининг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни</b> ва унинг <b>афзалликлари тўғрисидаги хабардорлигини</b> оширади                                                          |

Ҳозиргача амалга оширган фаолиятимиз ва эришган ютуқларимиз тўғрисида яхшироқ умумлаштирилган қисқача маълумот бериш учун биз уларни лойиҳанинг бешта мақсади бўйича қуйидагича таснифладик.

## **1-МАҚСАД**

### **ЖСТга аъзо бўлиш жараёни учун зарур бўлган ҳужжатлар ва музокаралар позицияларини хабардор бўлган ҳолда тузиш**

ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида аъзо бўлаётган давлат учун асосий мақсад ўзининг мавжуд савдо-иқтисодий сиёсати тўғрисидаги ахборотни ЖСТ аъзолари эътиборига етказишдан иборатдир. Шу асосда музокаралар давомида сиёсат ва қонунларни ЖСТ шартномаларига қандай қилиб мослаштириш масаласи кўриб чиқилади. Лойиҳа асосий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва кейинчалик музокараларнинг кўп томонлама йўналиши доирасида Ишчи Гуруҳ Мажлислари (ИГМ) контекстида бўлиб ўтадиган музокаралар жараёнида фойдаланиладиган тузатишларни ишлаб чиқиш орқали ушбу жараёнга ёрдам беради. 2022 йилнинг июнь ойида Ишчи Гуруҳнинг 5-Мажлисида (ИГМ) Ўзбекистон ЖСТ аъзоларидан ЖСТга аъзо бўлиш тўғрисида мажлисга тақдим этилган ҳужжатлар асосида бир қатор саволлар олди. Охириги уч ой давомида лойиҳа ушбу саволларга ёзма жавоблар тайёрлашга ёрдам берди. Шунингдек, Ишчи Гуруҳнинг 5-Мажлисида (ИГМ) ЖСТга аъзо бўлиш бўйича тақдим этилган бошқа ҳужжатларни янгилаш бўйича маслаҳат ёрдами кўрсатилди. Ўзбекистондаги савдо бўйича жорий вазият тўғрисида умумлаштирувчи қисқача маълумот берувчи фактларга асосланган хулоса ЖСТ Котибияти томонидан янгиланди ва бу 2023 йилнинг биринчи чорагида бўлиб ўтиши кутилаётган Ишчи Гуруҳнинг 6-Мажлисида муҳокама қилинадиган ЖСТга аъзо бўлиш бўйича музокараларнинг кейинги ривожидан дарак берди.

Музокараларнинг кўп томонлама йўналишидан ташқари, лойиҳа музокараларнинг яна иккита йўналишини, яъни товарлар ва хизматлар савдоси билан боғлиқ икки томонлама йўналишни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи кўп томонлама йўналишни ҳам қўллаб-қувватламоқда. Шу муносабат билан чорак давомида маҳсулот ва хизматлар бўйича мажбуриятлар рўйхатини ва қишлоқ хўжалигини ички қўллаб-қувватлаш жадвалларини қайта кўриб чиқишда ёрдам берилди.

## **2-МАҚСАД**

**Ўзбекистоннинг миллий савдо сиёсатини ЖСТга аъзолик талаблари билан уйғунлаштириш учун муайян тармоқ қонунлари ва меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш салоҳиятини ошириш**

ЖСТга аъзо бўлишдаги яна бир асосий мақсад миллий қонунчиликнинг тегишли ЖСТ шартномаларига мувофиқ бўлишидир. Лойиҳа ушбу мақсадни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон миллий қонунчилигини кўриб чиқишда ёрдам беради. Лойиҳа доирасида ўтган чорада Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятининг предмети бўлган **табiiй монополиялар** ва **субсидияларга** оид 10 та қонун ҳужжати уларнинг ЖСТ шартномаларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида кўриб чиқилди. Натижалар, шунингдек, қўшимча тузатишлар киритиш учун миллий ҳамкорлар билан муҳокама қилинди.

## **3-МАҚСАД**

**Сиёсатчиларнинг ЖСТга кириш жараёни ва қонунчилик асосларини тушуниш даражасини ошириш**

Бирор мамлакат ЖСТга аъзо бўлаётганида унинг тегишли мансабдор шахсларининг зарур кўникмалар ва ЖСТга аъзо бўлишнинг техник талаблари ҳақида билимларга эга бўлиши талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан лойиҳа ўқув машғулотлари ўтказиш ва техник ёрдам кўрсатиш орқали ЖСТнинг қонунчилик базаси ва аъзоликнинг техник жиҳатлари бўйича ҳукумат ходимларининг салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

Ушбу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йилнинг октябрь ойида таълим хизматлари савдоси ва соғлиқни сақлаш хизматлари савдоси бўйича иккита онлайн семинар ўтказилди ва шу билан хизматлар савдоси бўйича кенг қамровли тренинглар серияси якунланди.

Бундан ташқари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (ИТСВ) сўровига биноан, лойиҳа ноябрь ойида бўлиб ўтган миссияси чоғида ҳудудларнинг тадбиркорлик соҳаси билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи давлат органлари ходимлари салоҳиятини оширишга қўмаклашиш мақсадида Тошкент шаҳрида ЖСТ қонунчилигининг бир қанча жиҳатлари бўйича маҳаллий тренинглар ўтказишни таклиф қилди.



*Тошкентда ЖСТга оид  
мавзуларга  
бағишланган семинарда  
турли ҳудудлардан  
келган давлат  
хизматчилари иштирок  
этмоқда.  
ХСМ фотосурати*

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) томонидан ўқитилиши мўлжалланаётган “ЖСТ ҳуқуқи ва амалиёти” курсини ишлаб чиқиш бўйича ишлар ҳам жадал суръатлар билан давом этди. Ўтган чорак давомида 24-27-октябрь ва 21-24-ноябрь кунлари ЖИДУнинг тегишли ходимлари ва талабалари учун бир қатор ихтисослаштирилган ўқув машғулоти ва меҳмон маърузалари ўтказилди. Ходимлар учун ўтказилган тренинглардан қўзланган мақсад хизматлар савдоси, савдо соҳасида қарши чоралар, савдо билан боғлиқ интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва СТТ ва СФС чоралари каби асосий соҳаларда курсларни ўқитишда уларнинг қобилиятини ошириш эди.

#### **4-МАҚСАД**

**ЖСТ олдидаги мажбуриятларга биноан санитария ва фитосанитария (СФС) масалалари, савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) ва савдони осонлаштириш тартиб-тамойилларига (СОТ) риоя қилиш бўйича миллий институционал салоҳият кучайтирилди**

СТТ ва СФС билан боғлиқ масалалар бўйича фаолият юритувчи давлат органларининг техник имкониятлари ва институционал салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар Тошкент миссияси чоғида ўтказилган қатнашчилар шахсан иштирок этган иккита техник семинар давомида қўшимча туртки олди.



*2022 йил ноябрь ойида  
Тошкентда ХСМ  
томонидан ташкил  
этилган техник тренинг  
иштирокчилари.  
ХСМ фотосурати*

Биринчи тренинг давомида илмий асослаш, уйғунлаштириш, хавф-хатарларни баҳолаш ва шаффофлик билан боғлиқ мувофиқлик талаблари такрорланди. Экспорт сифати бўйича иккинчи техник семинар стандартлар ва техник регламентларга, шунингдек стандартлаштиришни ўрнатувчи ва амалга оширувчи миллий сифат инфратузилмасини кўриб чиқишга бағишланди.

Ўнта лаборатория учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини қандай қилиб текшириш ва сертификатлаш бўйича тренинглар ўтказилди. Келгусидаги техник ўқитиш эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида семинарларга қўшимча равишда экспортга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини текшириш билан шуғулланувчи агентликлар ва лабораториялар билан учрашувлар ташкил этилди.

## **5-МАҚСАД**

### **Манфаатдор томонларнинг, шу жумладан аёллар уюшмаларининг, ЖСТга аъзо бўлиш ҳақида хабардорлигини ошириш**

Лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири хусусий секторни ЖСТга аъзо бўлиш ва жаҳон бозорларига интеграциялашувнинг таъсири ва афзалликларини ҳамда бунинг хусусий бизнес учун яратиши мумкин бўлган имкониятларини муҳокама қилишга жалб этишдан иборатдир. Мақсадли гуруҳлар орасида аёллар ҳам бор ва шу мақсадда лойиҳа Тошкентдаги миссия чоғида 2022 йилнинг 25-ноябрь куни Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлганидан кейин аъзоликнинг оқибатлари ва аёлларга тегишли корхоналар учун очилиши мумкин бўлган бизнес имкониятларини тушунтириш мақсадида тадбиркор аёллар учун семинар ўтказди.

Тадбиркор аёллар  
Тошкентда хусусий  
секторнинг мамлакатнинг  
ЖСТга аъзо бўлиш  
таклифи ҳақида  
хабардорлигини ошириш  
мақсадида ташкил  
этилган семинарда.  
ХСМ фотосурати



Семинарда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳудудий марказларига аъзо бўлган 55 нафар тадбиркор аёл иштирок этди.

Агар сиз бундан буён бизнинг хабарларимизни олишни хоҳламасангиз, [ушбу ҳаволага ўтинг](#)